



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 29 май, № 108 (9003)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони 28 май куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.



Самарқанд халқаро аэропортида Бош вазири давлатимиз раҳбари кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортиди.

Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида бўлди.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган, дунёга машҳур Регистон майдони буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини акс эттирувчи мамлакатимизнинг асосий «ташриф қоғози»дир. Мажмуадаги Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасалари ўзи-

нинг улуғворлиги, бой тарихи ва бетакрор меъморчилиги билан юртимиз меҳмонларида чўқур таассурот қолдирмоқда.

Олий мартабали меҳмонга ушбу Шарқ шаҳарсозлиги дурдонасининг қурилиш тарихи, меъморий ечимлари ва безакларининг ўзига хос жиҳатлари, ушбу маскан билан боғлиқ муҳим воқеалар ва шахслар, шунингдек, ўзбек

халқининг маданий мероси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Сўнгра давлат раҳбарлари «Silk Road Samarkand» халқаро туризм марказидаги «Боқий шаҳар» тарихий-этнографик боғида бўлдилар. Халқимизнинг бой маданий мероси, хунармандчилик ва амалий санъатини акс эттирувчи кўرғазмалар томоша қилинди. Рақс жамоаларининг чиқишларидан иборат маданий дастур намойиш этилди.

Дунё тарихчилари, шарқшунослар тилида шундай гап бор: Фарбда — Рим, Шарқда — Самарқанд. Бу билан икки минтақа цивилизациясида ушбу икки қадимий шаҳар қанчалик муҳим роль ўйнагани эътироф этилади. Ҳалигача Ўзбекистон ва Италия тарихчилари, археологлари Самарқанд ва Рим мисолида давлатлар ўртасидаги алоқалар ўтмиши билан қизиқади, бу борада тадқиқотлар олиб борилади. Жумладан, бир неча йилдан буён Ўзбекистон ва италиялик археологлар Самарқанд шаҳри яқинидаги Кофирқалъа археологик ёдгорлигини ўрганоқда.

Илк ўрта асрларга оид мазкур обида Самарқанд ҳукмдорларининг шаҳар ташқирисидagi қароргоҳи бўлган. Бу ердан V — VIII асрларга оид қумуш тангалар, муҳр ва бошқа ашёлар топилган.

2023 йилда юртимизга расмий ташриф билан келган Италия Республикаси Президенти Сержо Маттарелла мазкур қўшма экспедиция фаолияти билан танишиб, улар ишига муваффақият тиллаган эди.

Бугунги кунда юртимиз олий таълим муассасалари Италия университетлари билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг натижасида охириги 2 йилда 100 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчиларимиз Италия олий ўқув юртиларида стажировка ўтади. Ҳозир мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари-

да 700 нафардан ортиқ талабалар италян тилини ўрганоқда. Бугунги кунга келиб икки мамлакатнинг олий таълим муассасалари 50 дан ортиқ ўзаро келишувлар асосида ҳамкорлик қилмоқда.

Яқинда Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетиди бўлиб ўтган давра суҳбатида икки давлатдаги ўттизга яқин олий таълим муассасалари ректорлари, вазирилик ва идоралар вакиллари иштирок этиб, ҳамкорликнинг келгуси истиқболларини муҳокама қилди. Олий таълим муассасалари, вазирилик ва идоралар ўртасида ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Дарвоқе, бир неча минг йиллик тарихга эга Рим дунёнинг қадимий цивилизация марказларидан бири бўлгани боис маданий ва сиёсий мулоқотларда «Барча йўллар Римга элтади» деган ибора пайдо бўлган. Бугун бу таърифни Ер юзининг сайқали, Шарқ ва Фарбни боғлаган қадимий кентга нисбатан қўллаб, барча йўллар Самарқандга бошлайди деб айтсак муболага бўлмайди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 29 май куни бўлиб ўтади.

Самарқанд шаҳридаги олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Италия стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Инновацион ҳамкорлик ва гуманитар алмашинув лойиҳаларини илгари сурши диққат марказида бўлади.

Яқунда икки томонлама битимлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИМОМ БУХОРИЙ МАЖМУАСИ МАЪРИФАТ, ТАРБИЯ, ИБРАТ ЎЧОҒИ БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 май куни Самарқандга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди.

Қуръон оятлари тиловат қилинди. Бутун ислом оламида Имом Бухорийнинг ҳурмати юксак, унинг мақбарасини кўриш истагидаги инсонлар кўп. Шу боис зиёратчиларга шароитларни кенгайтириш мақсадида бу ерда янги мажмуа барпо этилмоқда. Ташриф чоғида Президентимиз қурилишининг боришини кўздан кечириди.

Мажмуанинг умумий майдони 44 гектар этиб кенгайтирилган. Ҳозирги кунда мўътабар макбара, 10 минг кишилик масжид, 4 та минора қуриб битказилган. Янги мажмуа зиёрат билан бирга маърифат, тарбия, ибрат ўчоғи бўлади. Музей, маъмурият, меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларини ўз ичига олади. Пештоқлар ва айвон деворларига “Саҳиҳи Бухорий”дан ҳадислар битилди.

Давлатимиз раҳбарига мажмуада бўлажак шароитлар ҳақида ахборот берилди. Макбара ҳовлиси ва хиёбонларга кўпроқ дархатлар экиш зарурлиги айтилди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

28 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирилик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Сенатнинг еттинчи ялпи мажлисининг биринчи кунда дастлаб “Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қaratилмоқда.

Бундан ташқари, соҳага ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш орқали қўшилган қиймат заنجирини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бироқ ҳозирги вақтда хайвонларни идентификация қилиш ишлари тўлақонли амалга оширилмаётгани уларда хавфли юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш тадбирларини ўтказиш ва эпизоотик барқарорликни кафолатли сақлаш имкониятини чекламоқда.

Шунингдек, идентификация жараёнлари рақамлаштирилмагани, маълумотлар базаси марказлаштирилмагани натижасида хайвонларнинг аниқ ҳисобини юритишдаги муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда.

Мазкур қонунда Кишлоқ ҳўжалиги вазирилик ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш соҳасидаги ваколатли орган этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, ваколатли давлат органи вакилининг ҳамда хайвон эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ қўрсатиб ўтилмоқда. Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатишга доир умумий талаблар ҳамда муддатлар белгиланмоқда.

Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, кузатиш ва ҳисобдан чиқариш бўйича тадбирларни ташкил этиш, электрон ахборот тизимини мувофиқлаштириш ва реал вақт режимида электрон ахборот алма-

шинувини таъминлаш Хайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш марказининг ваколати этиб белгиланмоқда.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши натижасида хайвонларнинг ҳисоби, уларнинг насли ва соғлиги тўғрисидаги ягона электрон базаси шаклланади, шунингдек, хайвонларнинг сақланиши ва ҳаракатлари (миграцияси) тартибга солинади ҳамда доимий мониторинг қилиш тизими яратилади.

Бундан ташқари, хайвонларнинг хавфли юқумли касалликларга тўлиқ профилактик эмланишига эришилади. Натижада хайвонларнинг турли юқумли касалликларга чалиниши ва нобуд бўлишининг олди олинади. Республикада эпизоотик ва эпидемик барқарорлик таъминланади.

Муҳокама якунида ушбу қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, шу жумладан, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил равишда фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш ва зарур ҳужжатларни электрон шаклда расмийлаштиришдан кенг фойдаланиш янада қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарурати юзага келмоқда.

Шунинг учун Солиқ кодексига электрон ҳужжатда уни имзолаган шахсининг розилигини ифодалайдиган ҳамда уни идентификация қилиш имконини берадиган электрон тасдиқлаш усулларидан фойдаланишга тааллуқли ўзгаришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, ортиқча ундирилган солиқларни солиқ тўловчининг аризасига мувофиқ келгуси тўловлар ҳисобига киритиш муддати 15 кундан 3 кунга қисқартирилиб, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда иштирок этган фуқароларнинг, шунингдек, уларнинг эрининг (хотинининг) иш ҳақи ва бошқа даромадлари тўлиқ даромад солигидан озод этилмоқда.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ПАРЛАМЕНТ ВА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧ КЎПРИГИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг янги таркибдаги биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарияти, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари, кўмита раислари иштирок этди.

Мажлис бошланишидан аввал Ёшлар парламенти аъзоларининг сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда Ёшлар парламенти аъзоларига аъзолик гувоҳномаси ва кўрақнишонлари топширилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда замонавий фикрлайдиган, профессионал тайёргарликка эга янги авлод кадрларини тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, бўш вақтини мазмулли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби кўплаб масалалар куйи бўғиннинг ўзида ҳал этишга шариоат яратмоқда.

Утган қисқа даврда ёшларга оид 100 дан ортиқ

қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги Конституцияимизда ёш авлодининг ҳуқуқ ва манфаатлари мустаҳкамлаб қўйилгани Ўзбекистонда ёшларга бўлган эътиборни янги босқичга кўтариш имконини берди.

Ёшлар билан ишлаш бўйича дунёда ўхшаши кам бўлган тизимнинг йўлга қўйилгани уларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмулли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби кўплаб масалалар куйи бўғиннинг ўзида ҳал этишга шариоат яратмоқда.

Мажлисида айтилганидек,

янги Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ёшлар сиёсати борасида амалга оширилаётган ишлар дунё миқёсида тан олинмоқда. 2023 йили Ёшлар тараққиёти индексида кўра Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири деб эътироф этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Утган давр мобайнида парламентнинг икки палатасида ҳам ташкил қилинган Ёшлар парламенти келажақ бунёдкорларининг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига жалб этиш, янги қабул қилинган қонунларни ёшлар орасида тарғиб этиш орқали йигит-қизларнинг жамият ҳаётидаги дахлдорлигини қучайтиришга хизмат қиладиган муҳим институт сифатида шаклланди.



Элчи Пьергабриэле Пападиа де БОТТИНИ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ БУРИЛИШ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Италия Бош вазири Жоржа Мелони 28-29 май кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди. “Дунё” АА муҳбири ташриф арасидада **Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Пьергабриэле Пападиа де Боттини** билан икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари хусусида суҳбатлашди.

■ Эксклюзив интервью

— **Элчи жаноблари, маълумки, 2023 йил 7 — 9 июль кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Италияда бўлган эди. 2023 йил 9 — 11 ноябрь кунлари эса Италия Президенти Сержо Маттарелла расмий ташриф билан юртимизга келди. Салмоқли натижаларга бой ушбу ташрифлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликда янги саҳифа очди. Мазкур мулоқотлар-**

нинг мантикий давоми сифатида бугун Италия Бош вазири Жоржа Мелонини Ўзбекистонда қарши оляптимиз. Шу нуктага назардан, Италия Бош вазирининг ушбу ташрифидан қандай натижалар кутилмоқда?

— Тўғри таъкидлагиниз, 2023 йил Италия ва Ўзбекистон икки томонлама муносабатларида, ҳақиқатан ҳам, муҳим воқеаларга бой ва ўта аҳамиятли йил бўлди.



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни олтидан

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАҚДИРИ МИЛЛАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР



Болалик — инсон ҳаётидаги энг гўзал, беғубор, ғам-ташвишлардан холи давр. Халқимиз “Болалик — подшолик” дея улуғлайди бу масъум даврни. Чунки болалик — ҳар қандай инсоннинг ҳаётидаги илк таассуротлар, орзулар ва шу билан бирга шахс сифатида шаклланадиган, келажақ пойдевори қўйиладиган палла. Болалар қалби ҳамиша чарогон, нияти пок, соф руҳияти эса меҳрга лиммо-лим бўлади. Фарзанд дунёга келар экан ҳар бири айрича ғамҳўрлик, беминнат парварииш, суйиб-эрқалашга ташна бўлади.



Айнан шу боис ҳам жонажон Ватанимизда бола ҳуқуқлари-га, ҳар бир гўдакнинг соғлом ўсиши, етуқ ва баркамол бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратилади. Бугун қорақўларимизнинг эртаси, ёрқин келажаги учун амалга оширилаётган ислохотлар ва ташаббуслар мамлакатимиз тараққиётининг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистонда болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар таҳлилига назар ташланар экан, мамлакатимизда вояга етаётган ҳар бир бола — бу улкан масъулият, уни ҳимоя қилиш — инсонпарварлик, тарбиялаш — маърифат эканининг шоҳиди бўлапти.

“Бол ширин, болдан бола ширин”, “Болали уй — хандон”, “Болани-намнинг боласи, қантак ўрик донаси” — неча асрларки тилдан-тилга кўчиб келаётган ушбу ҳикматли сўзлар доно халқимизнинг нечоғли болажон миллат эканидан далолат беради. Шу маънода, бугун ҳам болалар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бу бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган дастур ва қарорлар нафақат жамиятимиз, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда.



ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ ТАҚДИРИ МИЛЛАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР



Юртда ҳуқуқ устувор бўлса

Яқин ўтган йилларда Ўзбекистонда болалар мажбурий меҳнатига қатъий чек қўйилгани, бу борада қонунчиликнинг муштаҳамланиши ва аниқ амалиётнинг йўлга қўйилгани улкан ютуқларимиздан. ЮНИСЕФ ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва бошқа нуфузли тузилмалар Ўзбекистоннинг болалар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислохотларини олиқлаш, уни минтақадаги илгор тажриба сифатида қайд этаётгани таҳсинга сазовор.

Мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида таъсис қилинган Болалар омбудсмани институти бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тузилма жамиятда бола ҳуқуқларининг бузилиши, таълим ва тарбиядаги камчиликлар, мажбурий меҳнат, зўравонлик, безътиборлик ҳолатларига қарши самарали курашшини мақсад қилган. Болалар омбудсмани томонидан ҳар йили махсус ҳисоботлар тайёрланиб, қонунчилик ва амалиётдаги мавжуд муаммоларга ҳуқуқий ва ижтимоий ечимлар берилмоқда.

Бу — ҳар бир бола давлат ва жамоатчилик эътибор марказида эканидан далолатдир.

Таълим — келажак пойдевори

“Дарахтдан мева оламани санг, ниҳоллигидан парвариш қил”, дея топиб айтадиган боболар. “Эрка боқилган кулун текис ерда ҳам қоқилади”. Бу — агар бола ёшлигидан меҳнатга, машаққатга ўқитирилмаса, катта бўлганда турмуш кечиршида салгина қийинчиликка ҳам бардош бера олмайди, деганидир.

Статистик рақамлар айнан сўнгги етти йил ичига богчалар билан қамров 700 минг нафар боладан 2,3 миллионгача ошганини кўрсатмоқда. Бу эса болаларнинг эрта ёшдан таълим-тарбия жараёнига жалб этилишида улкан силжиш бўлганини кўрсатади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 7 мингга яқин давлат мактаб-

гача таълим муассасалари ва 31 мингдан зиёд хусусий богчалар фаолият юритмоқда. Бу рақамлар соҳага қаратилган эътибор, амалга оширилаётган ислохотлар самараси сифатида намойён бўлмоқда. Бироқ соҳа олдидида ҳали ҳам долзарб вазифалар турибди. “Қамров ошди, лекин сифат бўйича қиладиган ишларимиз кўп. Богчалар нафақат тарбия, балки болада таълим олиш учун илк кўникмаларни шакллантирадиган масканга айланиши керак”, деди давлатимиз раҳбари шу йилнинг 15 май куни бўлиб ўтган мактаб таълими юзасидан видео-селектор йиғилишида.

Айни пайтда олти ёшли болалар мактабга тайёрлов гуруҳларига нафақат тўлиқ қамраб олинган. Кейинги ўқув йилида бу кўрсаткич 100 фоизга етказилиши режалаштирилган. Шу муносабат билан тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич таълим ўртасида уйғунлиқни таъминлаш долзарб вазифага айланди. Бу жараёнда илгор хорижий тажриба, хусусан, Сингапур ташкилотлари билан ҳамкорлик асосида янги дастурлар жорий этилади. Энди богча ёшидаёқ болалар танқидий ва ижодий фикрлашга, фан ва технологияларга қизиқиш асосида ўргатилади.

Бу каби ташаббуслар болаларда мустақил фикрлаш, муаммоларга ечим топиш ва янгича ёндашув кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Энг муҳими, уларнинг барқарор ва муваффақиятли келажак учун мустаҳкам асос яратди.

Тарихий манбалардан Ҳазрат Алишер Навоий болалик чоғларида Фаридулдин Атторнинг “Ман-тиқ ут-тайр” достонини, улғу муҳадди олим Имом ал-Бухорий эса Қуръони каримни тўлалигича ёд олганини биламиз. Умуман, Шарқ оламида болаларни илм-маърифатга, китоб мутлоасига ошно қилишда болалик даври муҳим босқич саналган. Учинчи Ренессанс бунёдкорлари бўлмиш янги авлод ҳам айнан болаликдаги маънавий

“Бол ширин, болдан бола ширин”, “Болали уй — хандон”, “Болагинамнинг боласи, қантак ўрик донаси” — неча асрларки, тилдан-тилга кўчиб келаяётган ушбу ҳикматли сўзлар доно халқимизнинг нечоғли боласон миллат эканидан даллат беради. Шу маънода, бугун ҳам болалар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Мазкур соҳа бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган дастур ва қарорлар нафақат жамиятимиз, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда.



ва маърифий тарбия, илму хунарга бўлган муҳаббатни шакллантириш орқали юксак тараққиёт пойдевори уларок тарихда қолажак. Чунки ҳар бир буюк инсон тафаккурида болаликда ўқиган китоби, эшитган ҳикмати ва олган тарбияси бирламчи маънавий ҳазина бўлиб қолади.

Соғлом авлод — тараққиёт таянчи

Болалар саломатлиги — миллат келажак қанолатидир. Зеро, ҳар бир соғлом бола — соғлом жамият бунёдкори ҳисобланади. Шу боис юртимизда болалар соғлигини муҳофиза қилиш, уларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш устувор масалалардан бирига айланган.

Ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритаётган тиббиёт муассасалари қаторида Болалар миллий тиббиёт марказини алоҳида қайд этиш ўринли. Юртимизда болаларга ихтисослаштирилган юқори ма-лакали тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича илгор муассаса сифатида танилган марказ 280 ўринга эга. Унинг 12 та стационар ва 10 та қўшимча хизмат кўрсатиш бўлими турли йўналишларда юқори техно-логияли тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Марказ ўтган йилнинг апрель ойида халқаро миқёсдаги эътирофга сазовор бўлди — у Ўзбекистондаги

биринчи давлат тиббиёт муассасаси сифатида “JCI” (Joint Commission International) аккредитациясини олди. Бугунги кунда мазкур сер-тификатга эга бўлган дунёдаги ягона ихтисослаштирилган болалар тиб-биёт маркази сифатида юксак халқаро стандартлар асосида фао-лият юритмоқда. Бу каби хизмат-лардан фойдаланаётган ҳар бир ота-она “Болалар саломатлиги — Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тиз-мининг энг устувор йўналиши” де-ган тамойил амалда ўз тасдиғини топаётганига мутлақ ишонч ҳосил қилиши, шубҳасиз.

Чиндан ҳам бола ҳаётида ҳар бир кун муҳим. Митти қадамчалари билан дунёга улкан мақ-садлар ила кириб келган эгала-рининг саломатлиги, жисмоний ва ру-ҳий ривожланиши ҳар қачон эътибор мар-казида бўлмоғи зарур.

Улар меҳрдан махрум бўлмайди

Ҳаёт турли синовла-ри билан ҳар кимни ўз ғалвирида элайди. Кулоғи оғир бўлса-да, қалби билан тинглай-диган, кўзи кўрмаса-да, вужуди кўзга ай-ланган жигарбандлар — улар ҳам шу Ватан фарзандларидир.

Шахсан давлатимиз ҳаёт турли синовла-ри билан ҳар кимни ўз ғалвирида элайди. Кулоғи оғир бўлса-да, қалби билан тинглай-диган, кўзи кўрмаса-да, вужуди кўзга ай-ланган жигарбандлар — улар ҳам шу Ватан фарзандларидир. Шахсан давлатимиз

рахбари томонидан ана шундай бо-лаларнинг орзу ва имкониятлари тўқсиларга учрамаслиги, улар ҳаёт-да ўз ўрнини топа олиши учун ғамхўрлик ва эътибор доимо бирин-чи ўринга қўйилмоқда. Имконияти чекланган болаларга жамиятнинг ажралмас қисми сифа-тида тенг ва муносиб таълим ша-роитларини яратиш — устувор ва-зифалардан бири. Сўнгги йилларда мамлакатимизда инклюзив таълим-ни ривожлантиришга алоҳида эъти-бор берилмоқда. Бир қатор мактаб ва богчаларда инклюзив гуруҳлар ташкил этилди. Мутахассислар, ло-гопедлар, психологлар фаолияти ку-чайтирилди. Қолаверса, имконияти чекланган болалар учун махсус ўқув дастурлари ва методикалар яратил-ди. Бу эса уларнинг жамиятда тўлиқ иштирок этишига, келгусида ўз ис-теъдодларини тўлиқ намойён қилиш-га кенг имконият яратди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз-да ихтимоий ҳимоя қўлами, кам таъминланган оилалардаги бола-ларга қаратилган эътибор ҳам йил сайин кучаймоқда. Маҳаллаларда “меҳр дафтери”, “темир дафтар” ларнинг ҳақчил юритилаётгани, их-тимой нафақаларнинг ўз эгасига етиб боришида шаффоф тизим яратилганини таъкидлаш ўринли. Шунингдек, иқтисодий имконияти чекланган оила фарзандларини чет тилларга ўқитиш бўладими, янги стартап гоғлар ва ташаббуслари-ни қўллаб-қувватлаш бўладими, ҳул-лас, бугун бир эмас, бир нечта та-килот ва идоралар эшиклари очик,

Наргиза ЮНУСОВА
(«Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН ОПЕРА ХОНАНДАЛАРИНИНГ ЮКСАК ИЖРО МАҲОРАТИ ЭЪТИРОФИ

Туркманистон ташаббуси билан эълон қилинган “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” доирасида Ашхободда “Жаҳон мусиқаси” халқаро фестивали ташкил этилди. Унда, шунингдек, Россия, Хитой, Франция, Эрон, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан таниқли бастакорлар, дирижёрлар, энг яхши опера хонандалари ва мусиқачилари қатнашди.

Биз ва жаҳон

Туркманистон Президенти Сердар Бердимўхамедов иштирокчиларга йўллаган табригида “Жаҳон мусиқаси” халқаро фестивали дунё халқларининг маданий ва маънавий қадриятларини оммалаштириш, маданият ва санъат намоёндалари ўрта-сидаги ижодий ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қили-шини билдирди.

Туркманистон Давлат ма-даният марказининг “Муҳам-лар” саройи саҳнасида таш-кил этилган концерт дасту-рида опера санъатининг бой турлари, жумладан, дунё опера мактаблари вокал аъёналарининг нодир наму-налари ижро қилинди.

Эътиборлиси, Ўзбекистон санъат устасларининг қиш-лари томошабинларда ало-ҳида қизиқшув уйғотди. Улар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг етакчи со-листлари Дамир Раҳмонов

«Дунё» АА.
Ашхобод

МУАЛЛИМИНГ БЕБАҲО КУТУБХОНАСИ



Жарқўрган туманининг маданий меросини ўрганишни истаган ҳар бир киши учун Жарқўрган минораси муҳим аҳамиятга эга. Бу минора 1109 йилдаги салжуқий ҳукмдор Султон Санжарнинг фармонида қўра қурилган бўлиб, ўз даврида бутун минтақа учун маданият қўргони вазифасини ўтаган.

Ибрат

Бу тарихий ёдгорликка ту-таш ҳудудда яна бир ажойиб гўша бор. Бу 80 ёшли кекса муаллим Жонпўлат Эрму-ров томонидан ташкил этил-ган шином кутубхона.

Жонпўлат ота Жарқўрган минораси маҳалласида ис-тикомат қилади. У кўп йил-лар давомида ёшларга маъ-рифат улашти, юзлаб шо-гирдларни камолга етказди. Шу улғу ёшда ҳам отахон ўз ҳисобидан кутубхона очиб, маҳалла ахлига зиё тарқат-моқда. Кекса муаллим қаер-га бормасин, янги китоб ёки нашр излаб, доимий равиш-да шахсий кутубхонасини бойитиб келади. Бугунги кунда кутубхона фондида 5 мингтадан ортиқ китоблар мавжуд. Ўзбек ва жаҳон ада-биёти дурдоналари, энцик-лопедиялар, айнисқа, бола-лар адабиёти намуналарига алоҳида ўрин ажратилган.

Жонпўлат отанинг кутуб-хонаси маҳалла ахли учун нафақат кутубхона, балки маърифат маскани, мулоқот майдони, ўзбек тили ва ада-биётига бўлган муҳаббат масканига айланган. Туну кун кутубхонага мутлола ва муҳокама учун ёшлар тўпла-нади. Жонпўлат ота улар би-лан мулоқот қилиш, ҳаётий сабоқ беришдан эринмайди. — Бугун интернет ҳаёти-мизни бутунлай ўзгартириб юборди, — дейди Жонпўлат ота. — Тўғри, у чексиз им-кониятлар, туганмас ахбо-ротлар макони. Бу маконда-ги қўлайлиқлар туфайли кўпчилик кунини интернетда бошлаб, шу билан яқунла-

моқда. Аммо бу “ўргимчак тўри” сўнгги вақтларда, ай-ниқса, ёшларнинг ҳаётини тубдан издан чиқариб юбо-ришга ҳам қодир. Иммуни-тети мустаҳкам одам интер-нетдан оқилона фойдалана-ди. Тафаккурни чарқлайди-ган восита эса — китоб му-толааси. Ҳар қандай билим-нинг, касбни чуқур эгаллаш-нинг йўли китоб ўқишдир. Кутубхонам шу мақсадга хизмат қилсин дейман.

Кутубхона фақат китоблар тўплами эмас, балки Жон-пўлат отанинг ўзига хос маъ-навий мероси. У ерга кел-ган киши тарихнинг нафиси-ни ҳис қилади, нурухонадан чиққиси келмайди.

Эътиборлиси, Жонпўлат отанинг ушбу ташаббуси қўллаб-қувватланиб келин-моқда. Республика Маънави-ят ва маърифат маркази Жарқўрган тумани бўлини-маси ҳамда Ахборот ва омма-вий коммуникациялар агент-лиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси ушбу зиё масканига юздан ортиқ ўзбек ва жаҳон адабиёти на-муналаридан совға қилиб, китоб фонди янада бойиши-га ҳисса қўшди.

Бу Жонпўлат отанинг меҳ-натини янада рағбатлантир-ди. Маҳалла ахлининг айти-шича, бу билан ёшларнинг билим олиш имконияти яна-да кенгайди. Жонпўлат ота-нинг ушбу хайрли ташаббу-си кўпчиликка ибрат наму-наси бўлиб келмоқда.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

«ЎЗБЕКИСТОН КАРВОНИ» — БУЮК БРИТАНИЯДА

Шу йилнинг 5 — 17 июнь кунлари Буюк Британиянинг олти та шахрида “Ўзбекистон карвони” номли ўзбек маданияти ва таомлари фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль

“Дунё” ахборот агентли-ги хабарига кўра мазкур маданий тадбир Эдинбург, Манчестер, Ливерпуль, Кардифф, Оксфорд ва Лондон каби йилги шаҳар-ларни қамраб олади. “Ўзбекистон карвони” до-ирасида меҳмонларга мил-лий таомлар тақдим эти-лади ҳамда Ўзбекистон са-ёҳат манзили сифатида та-ништирилади.

Ушбу сафарнинг мақса-ди Ўзбекистоннинг турис-тик салоҳиятини халқроқ тайёнда намойён этиш, мамлакатимизга бўлган қизиқишни ошириш ҳамда Буюк Британия жамоатчи-

лиги билан маданий ало-қаларни ривожлантириш-дан иборат.

Ташаббус мамлаката-мизнинг Буюк Британияда-ги элчихонаси, Туризм қўмитаси, Лондондаги “OshPaz” ўзбек миллий таомлари ресторани ҳамда машҳур катта ошпаз Баҳ-ридин Чустий томонидан илгари суриляпти.

“Ўзбекистон карвони” 21-22 июнь кунлари Лон-доннинг тарихий маркази ҳамда туристлар орасида оммабоп ҳисобланган “Tower Bridge”да бўлиб ўтадиган “Ўзбекистон ма-данияти ва миллий таом-лари” фестивалида ҳам тақдим этилади.

«Халқ сўзи».

АЙДАРКЎЛ — САҲРО МАРВАРИДИ



Айдаркўл — она табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Бир тарафда Кизилқум, бошқа тарафда кўм-кўк кўл, унинг ортидан тоғ тизмалари кўриниб туради. Бу гўзал манзилга шаҳар шовқинидан безиб келганлар сокин табиат оғушида, кўл бўйида мароқли дам олади.

Табиат ва инсон

...Бахтли маҳалласидаги Наврўз кўрғонидан то Айдар-Арсасой кўлигача бўлган 4 километрик масофада тоза ичимлик суви, 10 кВтлик электр тар-моқлари тортилмоқда. Йўллар ёруғ ва равон бўлиши учун ташкирлаш ишлари олиб боришмоқда. Арнасой соҳилида барпо этилаётган Айдаркўл тиббиёт маркази — соғлом туризмнинг юксак намунаси. 4,76 гектар майдонда қад кўтараётган санаторий нафақат тиббий хизмат, балки дам олиш, гўзал табиати билан ҳам сайёҳларни ўзига ром қил-моқда. 4,17 гектар майдонда қурилаёт-ган замонавий меҳмонхона эса ҳар бир сайёҳатчини ўзига жалб этиши аниқ. Бундан ташқари, 128 ўринли овқат-

ланиш зали, миллий аъёналар билан уйғунлашган замонавий дизайн — бу ларнинг барчаси туризм соҳасининг янги қиёфаси.

— Бир пайтлар Айдаркўл қишлоқ ҳўжалиги ва балиқ овлаш билан че-кланган ҳудуд эди, — дейди “Меҳмонсе-вар” МЧЖ раҳбари Дилфуза Эрдашо-ва. — Дейлик, чекка ҳудуд ҳисобланган қишлоғимизда аэродром қурилиши ҳақида айтишганида, дастлаб кўпчилик ишонмагани рости. Агар шу лойиҳа амал-га ошса, бу нафақат сайёҳлар учун, ба-лки маҳаллий аҳоли учун ҳам вақт ва имконият жиҳатдан жуда катта ютуқ бўлади. Ўғлим қишлоғимиздаги ўзга-ришларни кўриб, Айдар-Арсасой кўли

Рустам НУРМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Самарқанд шахрида Мактабгача таълим педагоглари малакасини ошириш маркази очилди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 13 297 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопчилик 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.

Мусахҳис — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.38 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6